

ШАРТНОМА № 1

(озик-овкат махсулотларини етказиб бериш)

Қоровулбозор тумани

« 11 » январ 2022 йил

«QOROVULBOZOR GO'SHT SUT SAVDO» МЧЖ номидан кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Ж.Тошев, бир томондан ва Қоровулбозор туман Мактабгача таълим бўлими номидан кейинги ўринларда «Истемолчи» деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи мудир С.Давлатова, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

1.Шартнома мақсади:

1.1. Қоровулбозор туман Мактабгача таълим бўлимига шартномада кўрсатилган озиқ-овкат махсулотларини етказиб бериш.

№	Номи	улч бир	Микдори	Нархи	Сумма
1	Мол гўшти	Кг	2 000	54 900	109 800 000
	Жами				109 800 000

1.2. Озиқ-овкат махсулотларининг нархи хар ойда ўзгариши ва «Истемолчи» ташкилотнинг овкатланувчилари сони ўзгариб туриши сабабли, товарнинг номи, асортименти, микдори «Истемолчи» томонидан тақдим этиладиган буюртмага асосан аниқланади

2. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. «Таъминотчи» «Истемолчи»нинг буюртмасига асосан ва шартномага кўзда тутилган маблағлар доирасида озиқ-овкат махсулотларини «Истемолчи»га белгиланган муддатларда етказиб беради.

2.2. Етказиб бериладиган махсулотларни сертификатларга биноан сифатини таъминлашини ўз зиммасига олади.

3.«Истемолчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Озиқ-овкат махсулотлари тўлиқ ҳажмда қабул қилиб олиш.

3.2. «Истемолчи» қабул қилиб олган озиқ-овкат махсулотлари учун тўловларни белгиланган муддатларда амалга ошириш.

3.3. Буюртмага асосан озиқ-овкат махсулотларини «Таъминотчи» дан белгиланган муддатларда етказиб беришини талаб қилиш.

3.4. «Таъминотчи» томонидан етказиб бериладиган озиқ-овкат махсулотларини сертификатларга биноан сифатини талаб қилиш.

3.5. «Таъминотчи»дан етказиб берилган озиқ-овкат махсулотлари учун ҳисоб-фактураларини талаб қилиб олиш.

4. Товар (Махсулот)ни етказиб бериш муддати ва тартиби

4.1. Товар (махсулот)нинг етказиб бериш муддати «31» декабр 2022 йилгача

4.2. Етказиб бериш санаси бўлиб, товар (махсулот)нинг сотиб олувчи томонидан тегишли тартибда қабул қилиб олиш санаси ҳисобланади.

5.Тўлов тартиби

5.1. Шартнома умумий суммаси 109 800 000 (бир юз тўққиз миллион саккиз юз минг юз) сўм.

5.2. «Истемолчи» томонидан тўлов нақд пулсиз пул кўчириш йўли орқали амалга оширилади.

5.3. Сотиб олинadиган Товар (махсулот) учун 30 фоиз 32 940 000 сўм олдиндан тўловни январ ойида амалга оширади. Қолган маблағнинг 70 фоизи ёки 76 860 000 сўми ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг кўчириб берилади.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

6.1 Мазкур Шартномада кўзда тутилган озиқ-овкат махсулотларини етказиб бермаслик ёки кечиктириб етказиб берганда кечиктирилган хар бир кун учун «Таъминотчи» мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида «Истемолчи»га пеня тўлайди, пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.2. Агар етказиб берилган озиқ-овкат махсулотларининг сифати, асортименти стандартлар ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга тўғри келмаса «Таъминотчи», «Истемолчи»га сифати, асортименти лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

6.3. «Истемолчи» етказиб берилган озик-овкат махсулотлари хақини шартномада белгиланган муддатларда тўламаса «Таъминотчи»га хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.4. Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда тарафлар Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий баъзаси тўғрисида»ги Қонунга кўра жавобгарликка тортиладилар

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

7.1. Ушбу шартнома бўйича тарафлар ўртасида юзага келган барча келишмовчиликлар ва низолар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликлар ва низоларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаса низо иқтисодий судда ҳал қилинади.

8. Форс-мажор

8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун агар улар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар натижасида, хусусан ушбу шартнома тузилгандан кейин табиий офатлар ҳуқумат ҳужжатлари сабабли ёки томонлардан бири ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш имконият бўлмаган тақдирда жавобгарликдан озод қилинади.

8.2. Юқорида кўрсатилган ҳолатлар пайдо бўлганлиги ва уларнинг тугаганлиги тўғрисида бошқа томонни ёзма равишда хабардор этишга мажбур.

9. Қўшимча шартлар

9.1. Ушбу шартномага асосан киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда амалга оширилиши ва икки томонлама тасдиқланиши шарт.

9.2. Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса томонларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати.

10.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган ЎЗР бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда ЎЗР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 декабрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси Қоидалари (2850-сон билан Адлия Вазирлиги рўйхатидан ўтказилган)га асосан ғазначилик бўлимидан рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириши ва 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминотчи»

«QOROVULBOZOR GO'SHT SUT SAVDO»

МЧЖ

(таъминотчининг номи)

Манзили: Қоровулбозор шаҳри Мустақиллик кўчаси

Тел\факс +998902983598

Х\р 20208000105058626001

Банк номи Халқ банки

МФО 00665

ИНН 306127857

ОКОНХ -----



Раҳбари: Ж.Тошев

(имзо)

Мухр урни

«Истемолчи»

К-бозор туман Мактабгача бўлими

Манзили К-бозор шаҳар Геологлар кучаси

Тел 364-18-45

Ш\хв 100022860062327091100251001

ИНН 305159572

ОКОНХ 85100

Ғазначилик булим номи К-бозор туман


ғазначилик булинмаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш

МФО: 00014

ИНН: 201122919



Раҳбар: С.Давлатова

(имзо)

Мухр урни


YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma, 1
2. Loyihaning nomi. "Тўшт махсулотини етказиб бериш" to'g'risida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Qorovulbozor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 12.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qorovulbozor tuman
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



A. Boltaev

2022 yil 13 yanvar.